| <b>Z.A.Yusupova</b><br><b>Sayramov Fayzullo Baratjon o'g'li</b><br><b>Ilyosjonova Nafosatxon Ilhomjon qizi</b><br><i>LABGULDOSHLAR OILASI VAKILLARINING HAYOTIY SHAKLLARI, MORFOLOGIYASI VA TARQALISHI</i> | 483 |
| <b>И.Ю.Якубов</b><br><i>ПОЛИМЕРИЗАЦИЯ И СОПОЛИМЕРИЗАЦИЯ ТЕТРАФТОРЭТИЛЕНА В ПРИСУТСТВИИ НИЗКОТЕМПЕРАТУРНОГО ИНИЦИАТОРА</i>                                                                                  | 491 |

|                                                                                                                                                                                                                                                        |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Navbaxor Salayeva</b><br><i>O'QUVCHILARNING BILISH JARAYONLARINI TASHXISLASHDA QOLLANILADIGAN USUL VA VOSITALAR</i>                                                                                                                                 | 496 |
| <b>Muydinov Pahlavon Qahramonovich</b><br><i>QUR'ONI KARIMDA KO'ZNING NOVERBAL IFODALARI</i>                                                                                                                                                           | 500 |
| <b>Собиржонов Абутолиб</b><br><b>Мелиев Вахобжон</b><br><i>ЎЗБЕКИСТОНДА ХИММОТОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</i>                                                                                                                                        | 505 |
| <b>Teshajonova Maxliyo marufjon qizi</b><br><b>Zohidov G'iyosiddin G'ulomiddin o'g'li</b><br><b>Toshpo'latov Islomjon</b><br><b>Akromova Mahliyo</b><br><i>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QIZIL KITOBIGA KIRITILGAN VA ENDEMIK BALIQ TURLARINING TAHLILI</i> | 509 |
| <b>Z.Raxmatov</b><br><b>Sh.Quramboeva</b><br><i>KATTAQO'RG'ON SUV OMBORI TA'SIRIDA TUPROQLARNING KIMYOVIY VA FIZIKAVIY XOSSALARINING O'ZGARISHI</i>                                                                                                    | 512 |
| <b>Ulug'murodova Vazira Muhiddinovna</b><br><i>BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHDA VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA Q'LLANILADIGAN METODLAR</i>                                                    | 515 |
| <b>А.Р. Курбанбаева</b><br><i>ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И СУЩНОСТЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ</i>                                                                                                                                                              | 518 |
| <b>Egamova Zilolaxon Burxonovna</b><br><b>Axmadjonova Sadoqatxon Shokirovna</b><br><b>Karimov Valijon Axmadjonovich</b><br><i>QONNING SHAKLLI ELEMENTLARI VA ULARNING TARKIBI</i>                                                                      | 521 |
| <b>G'ofurova Ominaxon Muxammadzikirovna</b><br><b>Teshajonova Maxliyo Ma'rufjon qizi</b><br><b>Ruziboyev Islombek Abdurashid o'g'li</b><br><i>HUJAYRA VA GEN INJINERYASINING TARAQQIYOT YO'NALISHLARI</i>                                              | 527 |
| <b>Валиханов Алихан Одилхон угли</b><br><i>ТУТ ИПАК ҚУРТИ БИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР</i>                                                                                                                                        | 535 |
| <b>Isaqova Bibimashrab Shokirjon qizi</b><br><i>"SO'Z TARKIBI"NI O'TISHDA GRAMMATIK O'YINLARDAN FOYDALANISH</i>                                                                                                                                        | 542 |
| <b>Asadova Nigora Khamroevna</b><br><b>Teshayev Shukhrat Jumayevich</b><br><i>THE EFFECT OF RADIATION ON THE THYMUS GLAND</i>                                                                                                                          | 547 |
| <b>Turanova Akbobek</b><br><b>Nosirova Marjona</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>FEATURES AND POSSIBILITIES OF MODERN PEDAGOGY</i>                                                                                                                 | 551 |
| <b>Ablakulova Fatima</b><br><b>Ochilova Zaynabxon</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>IMPORTANCE OF SOFT SKILLS IN PEDAGOGY</i>                                                                                                                      | 555 |
| <b>Akhmetova Gaukhar</b><br><b>Shonazarova Sevinch</b><br><b>Burkhanova M.G</b><br><i>THE ROLE OF MOTIVATION IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES</i>                                                                                                         | 559 |
| <b>Murodullayeva Mokhiniso</b><br><b>Ruzimurodova Yulduz</b><br><b>MamuraBurkhanova</b><br><i>SPEECH DEVELOPMENT OF PRESCHOOLERS</i>                                                                                                                   | 562 |

|                                                                                                                                                                                                     |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Khusanova Barchinoy</b><br><b>Mirzanova Gulnaz</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>PEDAGOGICAL ETHICS OF FUTURE TEACHERS AS A CONSTITUENT ELEMENT OF PROFESSIONAL CHARACTERISTICS</i>          | 571 |
| <b>Khaitova Shakhnoza Bakhromjonovna</b><br><b>Utebaeva Beksulu Tileukabylovna</b><br><b>Burkhanova Mamura Gulyamovna</b><br><i>PROFESSIONAL TEACHERS' COMPETENCE OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES</i> | 578 |
| <b>Khalimova Farida</b><br><b>Safarova Sevara</b><br><b>Sharakulov Ualixan</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>ETHICS IN ACADEMIC ENVIRONMENT</i>                                                 | 582 |
| <b>Jumanazarova Regina</b><br><b>Vakhabova Mariya</b><br><b>Abdurakhimova Guzal</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>MANNERS IN ACADEMIC ENVIRONMENT</i>                                           | 586 |
| <b>Rustamova Mokhinur</b><br><b>Shamsiddinova Mashhura</b><br><b>Jalilova Fayziniso</b><br><b>Mamura Burkhanova</b><br><i>PROFESSIONAL ETHICS: MODERN VALUES AND ITS ROLE IN PEDAGOGY</i>           | 590 |
| <b>Раупова Нодира Бахромовна</b><br><b>Ғуламова Зилола Саттаровна</b><br><i>ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СУВ-ФИЗИК ХОССАЛАРИ</i>                          | 596 |
| <b>Karimova Maftuna Shavkat qizi</b><br><i>BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA MUAMMOLI TA'LIMDAN FOYDALANISH</i>                                                                                  | 601 |
| <b>Рўзиев Алишер Иброимович</b><br><i>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ТАЪСИРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ</i>                                                               | 604 |
| <b>Н.П.Кучкарова</b><br><b>О.Э.Хакбердиев</b><br><i>ЕРЛАРНИ САҲРОЛАНИШИ - ЭКОЛОГИК МУАММО</i>                                                                                                       | 612 |
| <b>Н.А.Хошимова</b><br><i>«КИНО» МИКРОГУРУҲИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ</i>                                                                                                          | 616 |
| <b>Гальченко Оксана Анатольевна</b><br><i>ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКУ</i>                                                                                                          | 622 |
| <b>Базарбаева Лобархон Бахтибаевна</b><br><i>АВТОМАТЛАШГАН ЖУРНАЛИСТИКА: СОҲА ТАЪЛИМИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ</i>                                                                                  | 625 |
| <b>Bazarbayeva Lobarxon Baxtibayevna</b><br><i>MEN DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZMNI QANDAY TUSHINAMAN?</i>                                                                                           | 635 |
| <b>Axmedova Dilrabo Sa'dulla qizi</b><br><i>SHAHSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIMNIG AFZALLIKLARI</i>                                                                                                       | 643 |
| <b>Кулдашева Санобар</b><br><i>ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ЁНДАШУВ ВА ТАМОЙИЛЛАР</i>                                                                             | 648 |
| <b>Berdiyev Firdavs</b><br><i>SIYOSIY YETAKCHILIK TUSHUNCHASI VA XUSUSIYATLARI</i>                                                                                                                  | 654 |
| <b>Azdamova Malika</b><br><i>BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA MULOQOT KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING LINGVISTIK ASOSLARI</i>                                                                   | 657 |

**ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИДАН  
Фойдаланишга Оид Ёндашув ва Тамойиллар****Кулдашева Санобар***Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада умумий ўрта таълимнинг она тили дарсларида мультимедия воситаларидан фойдаланишга оид ёндашув ва тамойиллар таҳлил қилиб берилган. Мультимедия воситаларидан фойдаланганда умумпедагогик ҳамда она тилига хос бўлган тамойиллар, ёндашувларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** мультимедияли таълим технологияси, видео, аудио, тамойиллар, ёндашув, АКТ.

Она тилини ўқитиш методикасига доир тадқиқотларда таълим мазмунини белгилаш, тил ҳодисаларини ўрганишга доир тамойиллар, ёндашувлар, қонуниятлар атрофлича талқин қилинади. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ҳам ўқитишда амал қилиниши лозим бўлган тамойиллар кўрсатилади.

**Она тилини ўқитишда таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлиги тамойили** мультимедия воситаларига эҳтиёж борлигини тақозо этади. Ёш авлодни ҳар томонлама камолотга етказиш учун ватанга садоқат, ўзаро ҳурмат, миллий ғоя, табиатга муҳаббат, адолатлилик унсурларини сингдириш она тили дарсларида мультимедия воситалари орқали енгил амалга ошади. Тарбиявий аҳамиятга молик видео, аудио ва анимациялардан мавзу билан боғлиқликни сақлаган ҳолда унумли фойдаланиш долзарблик касб этади. Она тили дарслигида берилган ҳамда қўшимча шарқона тарбияга хос бўлган маърифий матнлар асосида мультимедия материалларини топиш ва қўллаш назарда тутилади. Методист олимлар А.Ғуломов ва М.Қодиров “Она тили ўқитиш методикаси” дарслигида “Ёшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш, мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлаш, тилимизнинг бой имкониятларидан нутқ шароитига кўра тўғри, самарали фойдаланиш малака ва кўникмаларини сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда мактаб она тили курсининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя каттадир”[1] деб қайд этган. Бу ўринда назарда тутилган “миллий қадриятларимиз, удум ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда” шу руҳга мос аудио, видео ва анимацияларни танлаш, яратиш ва фойдаланиш фойдадан холи эмас. Методист олим А.Алиев “...танланган асар ўқувчиларнинг ёши, қобилияти ва билим даражасига мос бўлиши керак”[2]лигини уқтиради. Гарчи А.Алиев бадиий асарнинг матни ва матн танлашдаги талаблар хусусида фикр юритган бўлса-да, биз аудиоматнларда ҳам бундай хусусиятларни инобатга олишимиз даркор. Аудиолаштириш учун матнлар ўқитувчи томонидан сараланиб танланади ёки ёзилади. Бу ўринда физиопсихологик талаблар назардан четда қолмаслиги керак. Ўқувчи учун мавҳум бўлган тушунчалар, тилга оид ҳодисалар, баъзи сўзларнинг

этимологияси, изоҳини *илмийлик ва тушунарлилик тамойили* асосида мультимедиа воситалари орқали осон ва жозибали тушунтиришга эришилади. “Таълимнинг илмийлик тамойили ўқув материални ҳозирги замон ўзбек тилшунослиги фани ютуқлари асосида баён қилишни тақозо этса, таълимнинг тушунарли бўлиш тамойили ўқув материалларини ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига, уларнинг умумий тараққиёти ҳамда билиш имкониятларига мослаб баён қилишни талаб этади. Таълим жараёни мантиғи бу тамойилларни ўзаро алоқадорликда қарашни зарурият қилиб қўяди”[3]. Масалан, 6-синфда сифат ва сифатдошни фарқлашда ўқувчилар кўп иккиланишларга дуч келишади. Дарсликда бу фарқ “катта (сифат) дарё, оқар (сифатдош) дарё”[4] мисолида тушунтириб ўтилган. Аммо ўқувчи катта ва оқар белгиларининг моҳиятини тушуниб етмаса, ҳар иккисини отнинг бир хил белгиси сифатида қабул қилса, анча вақт иккиланишда юриши мумкин. Сифат ҳам, сифатдош ҳам белги билдириши, лекин сифат (катта) турғун белги эканлиги, сифатдош (оқар) ҳаракатдаги белги эканлиги видео ёки анимация воситаларида ўқувчининг кўз олдида намоёниш этилса, унинг онгида муқим ўрнашиб қолишига эришилади. Дарёнинг оқаётганлигини билдирувчи ҳаракатнинг қўшилиши ҳодисага ойдинлик киритади. Она тилидаги тушунча ва атамаларнинг маъносини шарҳлашда, айниқса машқ ва топшириқлардаги луғатлар билан ишлашда, изоҳини топиш ва таҳлил қилишда чизиқли бўлмаган мультимедиа лойиҳалари билан ишлаш аҳамиятли. Ўқувчи мустақил равишда электрон китоблар ва электрон луғатлар билан уланади, сўзларнинг изоҳи, ҳатто этимологияси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

*Она тилини ўқитишда системавийлик ва изчиллик тамойили*га мультимедиа воситаларидан фойдаланаётганда қатъий амал қилиш муҳим. Ўрганилган ва ўрганилаётган билимлар орасидаги алоқани таъминлаш, осондан қийинга, оддийдан мураккабга қараб ҳаракатланиш мультимедиа технологияларидан фойдаланилаётганда назардан четда қолмаслиги керак. Масалан, 9-синфда “Қўшма гаплар” мавзуси ўтирилаётганда матн, аудио ва анимациядан фойдаланиб мультимедиа технологияси лойиҳасини туздик ва уни перо анимациясидан фойдаланганимиз учун “Перо” технологияси деб номладик: экранда перо анимацияси пайдо бўлади ва у содда гап ҳамда қўшма гапнинг фарқини тушунтириб беришини айтади. Перода ҳаракат, ранг ва овоз эффектлари мавжуд бўлади. Унинг ҳаракатлари бирин-кетин амалга оширилади:

1. Биринчи содда гапни экранга ёзади.
2. Орада бўш жой қолдириб иккинчи содда гапни ёзади.
3. Бўш ўринда боғловчи воситани жойлаштиради.
4. Гапнинг кесимларини аниқлаб тагига чизади.

“Перо” мавзуни тушунтириш жараёнида қўшма гаплар таркибида бирдан ортик кесим мавжуд бўлишини, содда гаплар оҳанг, боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланиб келишини айтади. Олдин содда гапларни келтириш, боғловчи воситалар билан уларни боғлаш, қўшма гаплар таркибида бир

нечта кесим бўлишини кўрсатиш билан содда гапнинг қўшма гапдан фарқини тушунтириш олдинги мавзулар билан узвийликни таъминлайди. Жараён изчиллик ва системалилик асосида амалга ошади.

Дарс жараёнида мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш **мустақиллик ва фаоллик тамойили**ни таъминлайди. Ўқувчиларнинг билиш фаоллиги даражаси ўрганишнинг турли усуллари ва шаклларига боғлиқ. Бу она тилининг барча ички имкониятларини эгаллаш учун ўқувчини қизиқтира олиш, ҳар хил метод ва технологияларни ўйлаб топиш, ўз касбига содиқлик ва **кашфиётчилик ёндашуви** билан ўлчанади. Ш.Юсупова таъкидлаганидек, “Мустақил ва эркин фикрлаш учун эса ўқитувчи машғулотларни таъсирчан, қизиқарли тарзда ташкил этиши катта маҳорат (технология)ни талаб этади”[5]. Ўқувчининг мустақил фикр юритиши, таҳлил қила олиши, ўз хулосасини келтириб чиқариши учун мультимедиа технологиялари ёрдамида шароит яратиб берилади. Дарснинг мустаҳкамлаш, такрорлаш, уйга вазифа бериш ва баҳолаш босқичларида турли лингвопсихологик ўйинлар ташкил этиш мумкин. Аммо зинҳор дарснинг асосий мақсадини кўздан қочирмаслик лозим. “Дарснинг мақсади унга умумий йўналиш бахш этса, ҳар бир босқичдан, иш тури ва машқдан кўзланадиган мақсад умумий мақсадга бўйсундирилган ҳолда майдароқ қилиб олинади”[6]. Дарснинг мақсади учун хизмат қиладиган локал-модулли мультимедиа ўйинлари ўқувчининг фаоллиги ва мустақил фикр юритиш омилларини таъминлайди. Э.Ғозиевнинг фикрича, “ўзининг жисмоний ва ақлий қобилиятлари, хатти-ҳаракатлари ва уларнинг мотивлари, борлиққа, ўз-ўзига бўлган муносабатларини англаш ҳам фикр юритиш фаолияти орқали вужудга келади”[7]. Мультимедиа воситаларида бериладиган тринажёр топшириқлар, видеокейслар, шарадаларни ечишда ўқувчининг мустақил фикр юритиши ва фаоллиги таъминланади, ечилмай қолган жараёнларда **изланувчанлик ёндашуви** вужудга келади.

Ўрганиладиган билимлар **кўрсатмалилик тамойили** асосида мультимедиа орқали ўқувчига намоиш этилади. Я.А.Коменский кўрсатмалилик тамойилини дидактиканинг “олтин қондаси” деб баҳолаган эди. Методист олима Т.М.Воителева “ўрганиш самарадорлиги турли сезги органларининг ўқув материални идрок этиш ва ўзлаштиришдаги иштироки даражасига боғлиқ”[8]лигини таъкидлаган. Аудио, видео, анимация, турли схема ва диаграммалар билан алоқадорлик таъминланганда ўқувчи кўради, эшитади, кўриб эшитади. Натижада унда воқеа-ҳодисани ҳис қилиш, ундан завқ, роҳат, қувонч, муҳаббат ҳисларини туйиш туйғуси пайдо бўлади. Барча сезги аъзоларининг иштирокини таъминлаш ўрганишнинг натижадорлигини оширади. Аудиоматндан эшитган сўз ва гапларини таҳлил қиладди, изоҳлайди, у асосида ёзма ишлар ёзади; видеороликларни кўради, хулоса чиқаради, у асосида берилган топшириқларни бажаради; анимациялар ёрдамида яратилган ибратли ёки танқидий лойиҳалар орқали мустақил фикрлайди, баҳо беради, хулоса чиқаради. Хуллас, жараёнга **фаолиятли ёндашади**.

**Онглилик тамойилида** экранда ёки электрон доскада намоёиш этилган лавҳани кўради, эшитади, миянинг ҳам кўриш фаолияти билан боғлиқ бўлган, ҳам эшитиш фаолияти билан боғлиқ бўлган қисмлари ишга тушади. бунинг натижасида тил ҳодисасининг мазмунини тез англаш, идрок этиш жараёнлари содир бўлади. Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, “Бола тафаккур имконияти билан ёруғ дунёга келади, лекин бу имконият парвариш қилинмаса, унга шаклу шамойил, йўналиш берилмаса, бола улғайганда ҳам у имконият сифатида ёки бир қолипдаги ўйлар тизими сифатида қолаверади”[9]. Ўқувчининг тафаккурини ўстириш учун мультимедиа воситаларидан фойдаланилса, катта имконият қўлга киритилади. Она тилини ўзлаштиришга мўлжалланган ўйин дастурлари яратилиб, амалга татбиқ этилса, ўқувчи ихтиёрий равишда кўп вақтини она тилини ўрганишга сарфлайди. Мультимедиа мажмуаларидаги бола тафаккурини ўстирувчи топшириқлар, мантиқий саволлар банклари, ўргатувчи машқлар, видеокейслар, ребус ва бошқотирмалар бола тафаккурини ўстиради.

**Савияга мослик тамойилига** кўра мультимедиа воситаларидан фойдаланганда ўқувчининг ёши, дунёқараши, билим савияси инобатга олинади. 10- ва 11-синф ўқувчиларининг ўспирин ёшида эканликлари учун шу даврга мос бўлган ва янги ғоя, стартаплар яратишга чорлайдиган видео, аудио, анимациялардан фойдаланиш, кўпроқ нутқ машқларини бажартириш аҳамиятли. 5- ва 6-синф ўқувчиларини болаликнинг ўйинқароқлиги тарк этмаган бўлади. Уларда тил ҳодисаларини ўргатишда анимация ҳаракатларидан кўпроқ фойдаланилса, мақсадга мувофиқ.

Она тили таълимининг вазифаларидан бири ўқувчиларда тўрт кўникма (ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш)ни ривожлантиришдир. Бугунги кун она тили дарсларининг олдида шахснинг ўз тили имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланадиган, воқеликка шахсий муносабатини билдира оладиган шахсни тарбиялаш вазифаси туради. **Амалий йўналганлик тамойилида** ўқувчи олган назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиши кўзга ташланади. Мультимедиа воситалари орқали олинган лингвистик билимлар амалда бажартирилади. “Ўз тилининг кенг имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда бемалол фойдалана оладиган шахсина халқ яратган маданий-тарихий бойликлардан хабардор бўлади ва у бошқа фанлар асосини чуқур ўзлаштиришга дадил қадам ташлайди”[10]. Мультимедиа машғулотларда лингвистик билимлар ўқувчи яшаб турган муҳити билан уйғунлашади. Амалда қўллаш малакалари шаклланади.

Она тили ўқитувчиси иш тажрибасидан келиб чиқиб йўл қўйган камчиликларини бартараф этиши, мультимедиа маҳсулотларининг шакл ва мазмунига ўзгартириш киритиши, қайта лойиҳалаши, моделларини ўзгартириши, ҳажм, овоз ва рангларига ўзгартириш киритишига имкон ва шароит борлиги **ўқитувчилар иш тажрибасидаги камчиликларни ҳисобга олиш тамойилида** амалга ошади.

**Воқеликка баҳо бериш тамойилига** мультимедиа воситаларидан фойдаланиб видеолавҳалар намоёиш этилади. Видеолавҳадаги ғоя асосида эссе ёзиш топшириқларида ўқувчи воқеликка реал баҳо бериш тамойилига асосланади. Эссе

ёзиш учун долзарб муаммолар мавзу сифатида қамраб олинади. Ўқувчининг муаммога нисбатан ижобий ва салбий қарашлари, асос ва далиллари ҳамда хулосасининг баён этиши учун видеолавҳадан илҳом олишига имконият бор. Аудиобаёнлардан фойдаланиб баён ёзишда ҳам ўқувчи баёнда ифода этилган воқеликка баҳо беради, ўз нуқтайи назарини илгари суради, фикрларини баён этади. Адабий талаффуз билан тиниқ ва равон ўқилган аудиобаёнларнинг барча ўқувчиларга бир хилда етиб бориши таъминланади. Ўқувчи фақат баён ёзиш билан чекланмайди. Аудиодаги оҳанг ва нутқнинг равонлиги унга ижобий таъсир ўтказади. Оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиради.

Умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда она тилининг ўзига хос тамойилларидан **“тил – меъёр – нутқ мутаносиблиги” тамойили**да ўқувчи томонидан тайёрланган аудиоматнлардан фойдаланилади. Ўз нутқини ёзиб олади, эшитади. Қайта-қайта сўзларни талаффуз қилиб кўради. Видеоматериаллар асосидаги топшириқларни бажариш асосида оғзаки нутқ сўзлайди. Тенгдошлари орасида нутқ сўзлаш машқларида нотиқлик маҳорати ривожланади. Атрофдаги одамларнинг эътиборини ўзига қарата олиш, фикрларини далиллаш, ўзига ишонч, шахсий қарашларига эга бўлиш каби хусусиятлар такомиллаша боради. **Ўзбек тилини ўқитишда маҳаллий шева шароити ва таъсирини назарда тутиш тамойили, ўзбек тилини ўқитиш орқали ўқувчилар нутқ малакаларини мустаҳкамлаш ва тил сезгирлигини ошириш тамойили**да ҳам юқорида қайд этилган фаолият турларидан фойдаланилади. Дарсликда берилган матнларнинг овозли вариантларидан фойдаланиш ўқитувчилар талаффузида кўп учрайдиган маҳаллий шева унсурларини яширади. Ўқувчилар учун **тушунарлилик тамойили** таъминланади.

Мультимедиа мажмуалари мавзулар, бўлимлар доирасида ёки синфлар кесимида тузилади. **Она тилини ўқитишда мавзулараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишга қатъий амал қилиш тамойили** вужудга келади. Физика, фалакиёт, тиббиёт ва ижтимоий соҳага оид мавзуларга хос видеолавҳалар асосида тайёрланган мультимедиа машқ ва топшириқларни АКТ қурилмалари орқали кўриш ва бажариш фанлараро интеграцияни ҳосил қилади.

Мультимедиа таълимда дарс жараёнларининг ўзидаёқ она тилига хос атамалар ёки тил ҳодисаларига аниқлик киритиш мақсадида электрон луғатлар, электрон маърузалар билан боғланиш, амалда фойдаланиш имконияти **ўқувчиларни тил ҳодисаларини ажратишга ўргатиш тамойили**ни келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаймизки, она тилини мультимедиа воситалари орқали ўқитишдан кўзланган мақсад ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг зарурий ҳажмини бериш, уларда таҳлил қилиш ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда енгиллик ва мукамалликка эришишдир. Бундай ишланмаларни ишлаб чиқишда узвийлик ва узлуксизлик, шакл ва мазмун бирлиги тамойилларига, коммуникативлик, фаолият ёндашувларига амал қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.Ғуломов, М.Қодиров Она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Университет, 2001. – 221б.
2. Алиев А. Мактабда ёзувчи услубини ўрганиш. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 88б.
3. Юсупова Т., Мавлонова К., Наралиева Ш. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – (1-қисм, 214 б. 45-бет)
4. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent: "Tasvir" nashriyot uyi, 2019. – 57-б.
5. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): Пед.фан.док. ...дисс. – Тошкент, 2005. – 279 б. (64-бет)
6. Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш. Пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2019. – 26-б.
7. Ғозиев Э. Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Университет” нашриёти, 2002. 5-б.
8. Воителева Т.М. Теория и методика обучения русскому языку: учеб.пособие для вузов. – М.: Дрофа, 2006. – С.16.
9. Маҳмудов Н. Она тили ва ижодий тафаккур тамойили. Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. Ўзбек тили доимий анжуманининг VI йиғини материаллари. – Тошкент. 2001. (3-бет).
10. Юсупова Т., Мавлонова К., Наралиева Ш. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – (1-қисм, 214 б. 47-бет)